# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 23 январь, № 17 (7519) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



**Аввал хабар қилинганидек, шу йил 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

Ассалому алайкум, ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Сизлар билан куни кеча бўлиб ўтган тадбирларда парламент палаталарининг келгуси 5 йилдаги устувор вазифалари ҳақида батафсил гаплашиб олдик.

Бугун эса Бош вазир номзоди ҳамда Ҳукуматнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз равнақи учун муҳим қарор қабул қилишимиз керак. Чунки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун айнан Бош вазир ва у раҳбарлик қиладиган Ҳукумат масъул ҳисобланади.

Биз ўтган 3 йилда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, барқарор бозор иқтисодиётини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишларидаги ишларни такомиллаштириш бўйича қатор ислоҳотларни бошладик.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида аввал эгаси бўлмаган соҳаларда 12 та мутлақо янги давлат бошқаруви органлари ташкил этилди, 20 та вазирлик ва идора фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг устувор йўналишларини ўрта ва узоқ муддатда жадал ривожлантириш бўйича 3 йилда 30 дан ортиқ концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Ҳукуматнинг, вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимлар, бутун давлат бошқаруви тизимининг асосий вазифаси — ислоҳотлар доирасида қабул қилинган ушбу дастурий ҳужжатлар ижросини қатъий таъминлаш, реал натижадорликка эришишдан иборатдир.

Бу борада олдимизда жуда кўп муаммоли масалалар турибди. Айрим муҳим йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотларимиз бир текис бораётгани йўқ.

Айниқса, ёқилғи-энергетика, геология, транспорт, қурилиш, йўл қурилиши, тадбиркорлик, аграр тармоқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви таъминоти, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида халқимиз биздан янада кўпроқ ва аниқ натижалар кутмоқда. Ҳозирча Ҳукумат ушбу соҳалар бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ уддаламоқда, деб айтишга ҳали эрта.

Жойларда жуда кўплаб муаммо ва масалалар ўз ечимини топиши зарур. Одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг барча янги аъзоларидан ўзлари масъул ва жавобгар бўлган соҳаларга танқидий ёндашиб, зиммаларидаги вазифаларни самарали бажаришлари талаб этилади.

**Бир сўз билан айтганда, амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳар бир Ҳукумат аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шарт.**

Биз келгуси беш йил учун юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, саноат тармоқлари, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида катта марраларни белгилаб олдик. Жумладан, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробар ошириш ёки 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларга етказиш зарур.

Инфляция даражасини 5 фоизга камайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш Ҳукумат, Марказий банк ва барча даражадаги ҳокимларнинг умумий вазифаси бўлиши керак.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш ва экспорт ҳажмини 30 миллиард долларгача кўпайтириш керак. Ушбу устувор вазифаларга эришиш учун иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида аниқ натижаларни таъминлаш талаб этилади. Жумладан, иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, диверсификация асосида экспорт ҳажмини кескин ошириш, соҳага аграр ва сувни тежайдиган юқори технологияларни жорий этишга қаратилган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегия қабул қилинди.

Энг муҳими, бу ишларимизнинг бош мақсади — фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада ошириш, қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва янги иш ўринлари барпо этишдан иборат.

Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини 75 центнерга етказиш, умумий экин майдонлари таркибида озуқа экин майдонларини 12 фоизга кенгайтириш лозим.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалигининг асосий локомотивлари бўлиши керак.

Мева-сабзавотчиликда экспорт ҳажмини 2025 йилда камида 5 миллиард доллардан ошириш, бунинг учун кооперация ва кластер тизимини жадал жорий этиш, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг яхлит ва замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва янада кенгайтириш лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида замонавий чорва комплекслари ва оилавий кооперациялар барпо этиш, илм-фан ва юқори технологияларга асосланган ҳолда чорва наслини 60 фоизга яхшилаш учун барча чораларни кўриш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Ҳукумат олдида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси беш йилда 2,5 баробар ошириш вазифаси ҳам турибди.

Глобал шароитда, айниқса, минтақамизда йилдан-йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги 734–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) **10-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан кўп бўлган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар»;

**учинчи – тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда) **8-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

(Давоми 3-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ДЕПУТАТЛАР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, парламент қуйи палатаси депутатлари Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиши ва маъқуллаши керак. Шунга асосан,* ***2020 йил 22 январь куни*** *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида янги шаклланган парламент қуйи палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқдилар.*

Мажлисда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимиз Президентининг шу йил 20 январь куни Қонунчилик палатасидаги нутқида парламент фаолиятини такомиллаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган, халқ манфаатларини назарда тутадиган қонунларни қабул қилиш, умуман олганда, жамият ҳаётининг турли жабҳаларини изчил ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, таъсирчан парламент назоратини олиб бориш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Парламентнинг ҳозирги ривожланиш босқичида давлатимиз раҳбарининг тавсиялари билан амалиётга жорий этилаётган демократик институтлар ва парламент назорати шаклларидан бири янги Ҳукумат таркибини Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш ва маъқуллашни амалга оширишдир.

➡ 3

ДУНЁ НИГОҲИ

Хорижлик экспертлар:

## «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТИДАГИ НУТҚЛАРИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА»

**Хорижий давлатларнинг расмий, ишбилармон ва эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари ҳамда парламент иккала палатасининг қўшма мажлисидаги нутқларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.**

**Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ қилиш институти бош директори Тецужи Танака** Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисдаги нутқлари ва Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг Кунчиқар мамлакат парламентининг навбатдаги сессияси очилишидаги нутқи бир вақтга тўғри келганида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидлади.

Мутахассис Ўзбекистон раҳбари нутқларининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, уларни ўз вақтидаги ва муҳим фикрлар, дея таъкидлаган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг жамиятни янада демократлаштириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қаратилган режаларини юқори баҳолаган.

➡ 4

## ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЖАВОҲИРИ

*Американинг нуфузли “CNN” (Cable News Network) телеканали веб-сайтида “Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг жавоҳири” сарлавҳали мақола чоп этилди. Бу ҳақда мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълум қилди.*

Муаллиф Мехер Мирзанинг ёзишича, ўзбек замини асрлар мобайнида дунёнинг “юраги”, Буюк Ипак йўлининг маркази бўлиб келган. Хитой ва Ҳиндистондан тортиб, Ўрта Ер денгизигача барча савдогарлар илм-фан ва маданият ўчоғи бўлган ушбу ўлкага интилган.

Европа ҳамон зулматда қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда Уйғониш даври кечаётган эди. Айнан ўзбек заминида X асрда Муҳаммад Ал-Хоразмий туфайли алгебра юзага келди, Авиценна номи билан машҳур Ибн Сино эса тиббиёт ва фалсафага асос солди. XI асрда беқиёс истеъдод эгаси сифатида эътироф қозонган Ал-Берунийнинг математика, антропология, астрология ва география бўйича асарлари Мирзо Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги буюк кашфиётларига асос бўлди.

➡ 4

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Келгуси беш йилда суғориладиган ерларнинг камида 30 фоизига томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежайдиган технологияларни жорий этиш зарур. Шунингдек, сув ҳисобини юритиш тизимини татбиқ қилиш ҳамда сув балансини мунтазам равишда олиб бориш керак.

Давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этиш ҳисобидан сув иншоотлари эксплуатация ва инвестиция харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш чораларини кўриш лозим.

Замонавий технологиялар ҳисобидан рақобатдош ва илғор қишлоқ хўжалиги техникаларини етарли даражада ишлаб чиқариш орқали фермер ва кластерларни техника билан таъминлаш кўрсаткичини ҳозирги 45 фоиздан камида 70 фоизга етказиш зарур.

Бу борада импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ташқи бозорларга чиқишини алоҳида назоратга олиш керак.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидаги энг катта хавф-хатарлардан яна бири — бу нефть-газ ва энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ.

Ҳукумат бу соҳаларни трансформация қилиш, уларга хусусий секторни фаол жалб этиш, ҳисобкитобни жой-жойига қўйиш орқали ортиқча йўқотишларни тўлиқ қисқартириш ва талонторожликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриши зарур.

Нефть-газ соҳасида 2025 йилда ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5,2 миллион тоннага ошириш, бунинг учун бу йил 4,1 миллиард долларлик 5 та объектни ишга тушириш керак.

Келгуси беш йилда электр энергияси ишлаб чиқаришни камида 80 миллиард киловатт-соатга етказиш, шунинг камида 20 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, 2020 йилда электр энергияси бўйича 7 миллион, 2022 йилда табиий газ бўйича 3,5 миллион истеъмолчиларни ҳисобга олиш ва уларнинг автоматлашган назорат тизимига уланишини таъминлаш учун Ҳукумат зарур чора-тадбирларни кўриши керак.

Мамлакатимизда мавжуд табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун барча амалий чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун Ҳукумат геология соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросини тўлиқ бажариши шарт.

Тоғ-кон саноатида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2025 йилгача 1,5 баробар кўпайтириш лозим.

Мавжуд хом ашё базасини тўлиқ сафарбар этиш, чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда чиқаришни кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни шу даврда 3 баробар кўпайтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноати соҳаларида маҳаллий хом ашёни тўлиқ қайта ишлаш ва экспортни кескин ошириш зарур. Бу борада 2025 йилда тўқимачилик ва чарм саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 баробар ошириб, 8 миллиард долларлик экспортни таъминлаш керак.

Юқори технологиялар асосида электротехника саноатини жадал ривожлантириш, маиший техника ва саноат электр ускуналари, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Бунинг учун бу йил ишлаб чиқаришни 1,5 баробар ошириб, экспорт ҳажмини 2022 йилгача 500 миллион долларга етказиш талаб қилинади.

Автомобиль саноатида 2023 йилгача енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 360 минг донага етказиш, шундан камида 100 минг донасини хорижга экспорт қилиш соҳа масъуллари учун асосий вазифа бўлади.

Кимё саноатида нафақат мавжуд минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, балки полимер, кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак.

Ҳукуматдан чет эл инвесторлари билан бирга табиий газни чуқур қайта ишлашга қаратилган янги йирик лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, Ҳукумат кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаб, тармоқда минерал ўғит ишлаб чиқариш улушини 76 фоиздан 33 фоизга камайтиришни ўзи учун асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олиши лозим.

Фармацевтика соҳасида келгуси 5 йилда маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 45 фоиздан 70 фоизга ошириш ва экспортни 100 миллион долларга етказиш зарур.

Биз хорижий туристлар сонини 12 миллион нафардан ошириш вазифасини белгилаб олганмиз. Буни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, инфратузилмаларни яхшилаш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, транспорт тармоқларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини юксалтириш Ҳукумат ва ҳокимликларнинг асосий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Юқорида айтилган барча режаларни рўёбга чиқариш ҳисобидан ишсизликни 7 фоизга камайтириб, йилига камида 500 мингта иш жойи яратиш, аҳоли даромадини 2 баробар ошириш — янги Ҳукумат олдидаги муҳим вазифадир.

Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳам Ҳукумат олдига аниқ вазифаларни қўймоқда. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ҳозирги 74,6 ёшдан 76 ёшга етказиш ва гўдаклар ўлими кўрсаткичини ҳозирги 10 промилледан 1,5 баробар камайтириб, 7 промиллега тушириш лозим. Ўлим кўрсаткичини саратон касаллиги бўйича ҳозирги 73 фоиздан 65 фоизга, юрак-қон томир касалликлари бўйича эса бугунги 41 фоиздан 30 фоизга тушириш устида Соғлиқни сақлаш вазирлиги жиддий чора-тадбирлар кўриши керак.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш каби оғир ҳаётий масалаларни узил-кесил ҳал этиш лозим.

Шу билан бирга, зарур шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларда яшайдиган аҳоли сонини 65 фоизга етказиш устувор йўналишлардан биридир. Бу борада Ҳукуматдан, ипотека кредити беришнинг янги тартибига биноан, хусусий пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу масала бўйича барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг масъулиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иссиқлик таъминоти соҳасида жорий йил Тошкент шаҳрида, 2022 йилга қадар Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш зарур.

**Барчамиз бир фикрни чуқур тушуниб олишимиз керак: биз ўз олдимизга қўйган ана шундай устувор вазифалар — жуда мураккаб ва ҳақиқатан ҳам улкан марралардир.**

**Шу билан бирга, вақт ўтгани сайин дунё ҳам ўзгармоқда, одамларимизнинг яхши яшашга бўлган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаймиз. Бугунги кун ҳар куни изланиш, янгилик яратишни талаб этмоқда. Фақат ана шундай талаблар асосида иш олиб бориб, халқимизнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мумкин.**

Вазирлар Маҳкамаси ушбу вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун иш услубини тубдан такомиллаштириши, ўз фаолиятини самарали ташкил этиши керак.

**Биринчидан,** Ҳукумат қонун, Фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур.

Биз қанча мукаммал қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилмайлик, агар улар жойларда етарлича амалга оширилмаса, шунча меҳнат ва саъй-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверади. Шунинг учун вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар ишини оқилона ва самарали йўлга қўйиш Вазирлар Маҳкамасининг бош вазифаси бўлиши лозим.

**Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади.**

Шу боис барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси бир ой муддатда ижрони назорат қилиш борасидаги ёндашувларини тубдан такомиллаштириши лозим. Вазирлик ва идораларнинг қуйи тузилмалари билан биргаликдаги фаолияти устидан вертикал назорат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Энг асосийси, Ҳукумат марказий идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорлигини ва улар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун масъул ва жавобгар бўлади. Бунинг учун мамлакатимиз даражасида қарорлар қабул қилишда ҳокимликларнинг иштирокини ошириш лозим. Яъни ишлаб чиқилаётган қарор лойиҳаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳам келишиш тартибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ва маънавий ҳаётга оид қонун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ барча муаммолар ўз ечимини Ҳукумат даражасида топиши керак. Хусусан, туристлар оқимини кўпайтиришда ҳаво, темир йўл транспорти харажатларини камайтириш, билетлар нархини арзон қилиш, йўллар сифати ва инфратузилмасини яхшилаш каби қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими юзасидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Транспорт вазирлиги ўртасида ягона сиёсат ва ёндашув бўлиши керак.

Ёки инвестиция киритиш ва унга тўсиқ бўлаётган турли муаммолар бир вақтда муҳокама қилиниб, ўша жойнинг ўзида уларнинг ечимлари топилиши зарур. Шу боис Ҳукумат аъзолари энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳафтада камида бир марта йиғилиб, халқимизни қийнаган муаммоларни ўртага ташлаб, юзма-юз ўтириб, муҳокама қилишлари, уларнинг ечимини тезкорлик билан, аҳил ва якдил жамоа бўлиб ҳал этиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган, лекин йиғилмасдан ва реал муҳокама ўтказмасдан қарор қабул қиладиган комиссия ва ишчи гуруҳларни тугатиш вақти етди.

Яна бир масала — ижро ҳокимияти идоралари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали ва бошқа шаклларда кенг жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак. Шу билан бирга, электрон портал, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этиб, аҳоли билан “қайта алоқа” тизимини йўлга қўйиш лозим.

**Иккинчидан,** ҳар бир ижро органи ўзи масъул бўлган соҳани ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларга эга бўлиши зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳамма раҳбарлар ҳам бу талабни тўлиқ тушунаётгани ва аҳамиятини чуқур англаб етаётгани йўқ, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Аксарият мутасаддилар муаммоларнинг ўз вақтида олдини олиш ўрнига, бор куч ва ресурсларни уларнинг оқибатларини бартараф этишга самарасиз сарфламоқда.

Энди иш фаолиятини фақат ишхонасида ўтказган ва қоғозбозликка берилиб, амалий натижани кейинги ўринга тушириб қўйган раҳбарлар билан хайрлашамиз. Қонунчилик палатаси депутатларидан ҳам Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини кўриб чиқишда ушбу масалаларга алоҳида эътибор беришларини сўраган бўлар эдим.

Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун замонавий менежмент тизимига ўтишимиз лозим. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари иш услубини ўзгартириб, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўрганиши керак.

Аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга жорий этиш раҳбарлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши лозим.

Ўз вақтида ҳал қилинмаган муаммолар жойлардаги аҳоли кайфияти ва турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатишини бир сония бўлса ҳам унутмаслигимиз зарур.

Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларидан бошлаб ижро ҳокимияти органларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (KPI) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Бинобарин, улардаги баҳолаш мезонларининг барчаси халқимизнинг мушкулини осон этишга хизмат қилади. Ахир биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, бирламчи вазифа айнан шу эмасми?

Мисол учун, Жаҳон банкининг ўтган йилги “Давлат бошқаруви индикатори”да мамлакатимиз 5 та кўрсаткич бўйича ўз ўрнини яхшилади. Бунга эришиш учун халқ дардини эшитадиган, унинг оғирини енгил қиладиган самарали тизим яратдик, матбуот эркинлиги ҳамда давлат идораларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни бошладик.

Бундан фойда бўлдими? Албатта, фойда бўлди.

Ёки яна бир мисол, 2 та солиқ турини бирлаштирганимиз “Бизнес юритиш” рейтингининг солиққа тортиш йўналишидаги кўрсаткичимиз яхшиланишига сабаб бўлди. Бундан ким кўп манфаат кўрди? Албатта, тадбиркор ва ишбилармонларимиз. Чунки солиқ тўлаш шакли ва жараёнлари кескин соддалашди.

Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Ҳудудларнинг ривожланиш индекси ишлаб чиқилиши лозим. Ҳукумат мазкур индекс асосида ҳудудларга оид сиёсатни белгилаши, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини пухта кўриб чиқиши керак.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси ҳудудда инфратузилма етишмаяпти, қайси ҳудудга кўпроқ банк ресурслари ва субсидиялар керак, деган саволларга жавобни ана шу индекс кўрсатиб бериши зарур.

**Учинчидан,** давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши устувор вазифага айланиши керак.

Ижро ҳокимияти органлари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда ижроси ҳақида халқимизга содда ва равон тилда тушунтириш бериб боришлари лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этиш зарур.

Шунингдек, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган долзарб масалалар бўйича тезкор чоралар кўриши ва уларга принципиал муносабат билдириши лозим. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши, Вазирлар Маҳкамаси бу масаланинг ижросини қатъий назоратга олиши зарур.

Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиқлиги фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгилаб бориши зарур.

Яна бир масала — ҳозирги вақтда қарорлар лойиҳасини электрон портал орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тизими ишлаётгани, бу жараёнда халқимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этаётгани ижобий натижа бермоқда.

Жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган 4 мингга яқин қонун ҳужжатлари лойиҳасига 17 мингдан зиёд таклиф киритилган бўлиб, мингдан ортиқ ҳужжатлар қайта ишланган.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш тизими мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамаси қарорларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аҳоли фикрини ўрганиш тизимини амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин.

Ишончим комил, бундай чора-тадбирлар Ҳукуматни халққа яқинлаштиради. Айни вақтда қабул қилинаётган қарорлар сифати ва раҳбарлар масъулиятини ҳам оширади.

**Тўртинчидан,** қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мутлақо янги босқичга кўтариш ва унинг самарадорлигини оширишнинг фурсати келди.

Вазирлар Маҳкамаси парламентга тайёрлаб киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини оширишга жиддий эътибор қаратиши зарур. Ҳукумат, ҳар бир вазирлик ва идора қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича янгича иш услубига ўтиши лозим.

Қонунчилик палатасида қонун лойиҳалари ҳамкорликда кўриб чиқилишини, Ҳукумат — қўмита — Қонунчилик палатаси ўртасида фаолият уйғунлигини таъминлаш зарур.

Яна бир муҳим масала — ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш керак. Бу борада ҳар йили Давлат дастури ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисоботини эшитиш тизими жорий этилди. Энди ижро ҳокимияти органлари муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан парламент палаталари олдида мунтазам равишда ҳисобот бериши зарур.

Мазкур ҳисоботлар жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиши лозим. Бу — қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос мулоқот майдони сифатида ижобий натижасини кўрсатишига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизнинг 98-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Хабарингиз бор, сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасида энг кўп, яъни 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллади. Ушбу партиядан сайланган депутатларни ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларини ана шундай юксак натижа билан самимий табриклайман.

Партиянинг куни кеча бўлиб ўтган Сиёсий Кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Чунки бу лавозимга ҳар томонлама чуқур билим ва катта тажрибага, кенг тафаккур ва замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган, жонкуяр, ўзига ва бошқаларга талабчан ҳамда ташкилотчи номзод танланиши зарур.

Албатта, турли синовларда тобланган, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, одамлар билан тил топиша оладиган, уларнинг ҳурматини қозонган, қисқача айтганда, кўпни кўрган ва жонкуяр инсонни топиш анча оғир ва мураккаб вазифадир.

Шу маънода, бугун Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва аввалги лавозимларида амалга оширган ишлари билан эл-юртимиз эришган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган шахс бўлиши керак.

Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳат ва кенгашлар ўтказдик. Жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан ҳам атрофлича маслаҳатлашиб олдик.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, мен ушбу ўта масъулиятли лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган, сўнгги уч йил давомида Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Абдулла Арипов бугунги кунда олдимизда турган жуда катта вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил этиш, Ҳукумат аъзолари, ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар билан бир ёқадан бош чиқариб, барчани сафарбар қилиш салоҳиятига эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунинг учун сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлардан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган Абдулла Нигматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда парламентга тақдим этиладиган Мурожаатномасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳалари ҳамда халқаро муносабатлардаги энг устувор вазифаларни батафсил муҳокама қилиб оламиз.

**Хулоса сифатида шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилиш, бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттириш — келгуси 5 йилда парламент учун ҳам, Ҳукумат учун ҳам ғоятда муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Шунинг учун барчангизни яқин ҳамкорликда иш олиб боришга чақираман.**

Шу йўлда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда улкан зафарлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда) қуйидаги мазмундаги **$148^1$** ва **$148^2$-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**$148^1$-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш**

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**$148^2$-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш**

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **$49^1$-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

2) қуйидаги мазмундаги **$50^1$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$50^1$-модда. Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Мансабдор шахс томонидан хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахслари томонидан ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этмаслик, худди шунингдек маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки маълумотларни тақдим этиш муддатларини бузиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **51-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**51-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш**

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **60-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш»;

5) **70-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш» деган сўзлардан кейин «(бундан фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **$70^2$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$70^2$-модда. Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш**

Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш, худди шунингдек олтин изловчилар усулида лицензиясиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ҳамда дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **147-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш, худди шунингдек автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **230-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этишни таъминлашга доир чораларни васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки тиббиёт муассасасининг мансабдор шахслари, топиб олинган (ташлаб кетилган) бола турган муассаса маъмурияти томонидан кўрмаганлик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тиббиёт муассасасининг мансабдор шахслари томонидан туғилишни ва ўлимни ўз вақтида қайд этишни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, худди шунингдек туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотномани ёхуд ўлим ҳақидаги, шу жумладан перинатал ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳномани нотўғри ва (ёки) ноаниқ тўлдирганлик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **245-модданинг биринчи қисми**:

«$70^1$-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлардан кейин «$70^2$-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«$146^1$-моддасида» деган сўзлардан кейин «147-моддасида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **248-модда иккинчи қисмининг 5-банди** «147-моддаларида» деган сўзлардан кейин «(автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузишга таалluқли қоидабузарликлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **255-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 49, $49^2$, $49^3$, 50, $50^1$, 51 ва 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади»;

12) **$260^1$-модданинг биринчи қисми** «(бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисми мустасно)» деган сўзлардан кейин «$70^2$-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **$268^2$-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**$268^2$-модда. Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси**

Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 99 ва 178-моддаларида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади»;

14) қуйидаги мазмундаги **$268^4$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$268^4$-модда. Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш органлари**

Ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл-қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид қисми), 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўсимликлар карантини тўғрисида»**ги 113–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда) **30-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда) **15-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим. Бундай зарарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бекор қилинган, уларнинг маблағлари етишмаган ёхуд давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари бўлмаган тақдирда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **84-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади»;

2) **88-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6–7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда, № 8, 471-модда, № 11, 792-модда) **1-иловаси** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **7-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамият иштирокчилари ўртасида муросасиз зиддиятлар сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овозлар сони мавжуд бўлмаганлиги туфайли жамиятни бошқариш масалалари юзасидан келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, низоли вазият суд тартибида ҳал этилади»;

2) **46-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан кўп бўлган жамиятлар мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган ҳар йилги аудиторлик текширувидан ўтиши шарт»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1, 3-моддалари, 4-моддасининг 1, 2, 3, 7-бандлари, 9-бандининг учинчи хатбошиси, 10, 11, 13, 14-бандлари, 8-моддаси, 9-моддасининг 2-банди мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 22 январь
№ ЎРҚ—603

# ДЕПУТАТЛАР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

1

Бундай тартиб давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ вакиллари ва жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллигини янада оширади. Шу маънода, Ҳукумат аъзолигига номзодларнинг Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши халқ ҳокимиятчилигининг яққол ифодасидир.

Бу, ўз навбатида, жойлардаги муаммоли масалаларни қисқа фурсатда ҳал этиш, шунингдек, қонунлар нормаларининг самарали қўлланишида ҳам муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, парламент қуйи палатасида қарор топган янги амалиёт асосида Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталарида, сўнгра сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мажлисда Ҳукумат аъзосининг лавозимига номзодларнинг ҳар бири Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли аниқ кўрсаткичлар ва натижаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этдилар.

Шундан сўнг савол-жавобларга ўтилди.

Ҳукумат аъзолигига номзоди кўрсатилганлар парламент аъзолари томонидан кўтарилган долзарб масалалар ҳамда саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. Уларга мазкур лавозимга киришганидан сўнг вазирликлар билан парламент ўртасидаги муносабатлар янада фаол ва самарали бўлиши билдирилди.

Савол-жавоб ва қизғин муҳокамалардан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислигига номзодларни маъқуллаш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришадилар.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Янги Ўзбекистон одимлари

# ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ПАРЛАМЕНТГА ТАҚДИМ ЭТАДИГАН МУРОЖААТНОМАСИНИ ХАЛҚИМИЗ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТМОҚДА.

*Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрда парламентга тақдим этган илк Мурожаатномаси Ватанимиз сиёсий-ҳуқуқий тарихида мутлақо янги воқелик бўлди. Зеро, давлат бошқарувининг бундай демократик усули, бир томондан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотлар — халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини намоён этса, иккинчидан, ушбу замонавий ёндашув ҳар бирimизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга замин яратди.*

*Иккинчи Мурожаатнома 2018 йил 28 декабрь куни тақдим этилди.*

*Яқинда давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга галдаги, яъни учинчи Мурожаатномани йўллайди. Хўш, биз ундан нималар кутяпмиз?*

### Ватан равнақи йўлидаги жамики саъй-ҳаракатларимизга қанот бўлади

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда янгича давлат ҳуқуқий амалиёти — мамлакат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этиш анъанаси жорий қилинди. Президентнинг 2017 йил 22 декабрда миллий парламентга тақдим этган биринчи Мурожаатномаси юртимиз сиёсий-ҳуқуқий тарихида катта воқелик бўлди, десам, адашмайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга иккинчи Мурожаатномасини ҳам нафақат парламент аъзолари, балки юртимизда фаолият юритаётган барча вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, умуман, халқимиз катта қизиқиш билан қарши олган эди.

Чунки унда давлатимиз раҳбарининг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтаи назари баён қилинди. Сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ таклифлар илгари сурилди. Шу сабабли у жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлди.

Ўтган даврдаги Мурожаатномаларда Юртбошимиз таклиф ва тавсиялари асосида парламент амалиётига янгича анъаналар киритилди. Бош вазир ҳукумат аъзолари билан бирга Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси доирасида амалга оширилган ишлар бўйича Сенат ва Қонунчилик палатасида ҳар уч ойда ҳисобот бермоқда.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, ўтаётган ҳар бир йилимиз улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, давлат ва жамиятни янада ривожлантириш борасидаги билиму тажрибамизни бойитиш бобида янги босқичларга юксалиш даври сифатида тарихга муҳрланмоқда.

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг парламентимизга йўллайдиган навбатдаги Мурожаатномасини кутмоқдамиз. Сабаби бундай усул юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш билан бирга, Ватан тараққиёти йўлидаги жамики саъй-ҳаракатларимизга қанот бўлади, турли соҳа ва тармоқлар ривожига катта туртки беради. Биз бунга ишонамиз ва юрт равнақи йўлида виждонан хизмат қилишга доимо шаймиз.

### Келгуси фаолиятимизнинг дастуриламали

**Ўктам САИДМУРОДОВ, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати:**

— Янги йил арафасида ва шу кунларда ҳам қайси даврага бормайлик, одамлар, аввало, йил қандай номланиши билан қизиқмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимиз йил якунида давлатимиз раҳбари томонидан парламентга Мурожаатнома йўлланиши, йил сарҳисоб қилиниб, келгуси йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинишига ўрганиб қолди.

Бу йил эса бу анъана бир оз бошқача бўлди. Яъни 2019 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ўтказилиб, янги парламент ва маҳаллий Кенгашлар шакллантирилди. 2020 йилнинг дастлабки кунларидан юртимизда муҳим сиёсий жараёнлар бошланди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг ташкилий сессиялари ўтказилди, ҳокимлар тасдиқланди. Маҳаллий Кенгашлар қўшма мажлислари ўтказилиб, Олий Мажлис Сенати аъзолари сайланди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари ўтказилди. Икки палатанинг илк мажлисларида Президентимиз иштирок этиб, янги сайланган парламент ва маҳаллий Кенгашлар аъзолари олдида турган вазифаларга эътибор қаратди. Депутатларнинг халқимиз ишончига муносиб бўлиши учун қандай ишлаши кераклиги тўғрисида сўз юритди.

Бу галги Мурожаатнома ана шу чиқишнинг мантиқий давоми бўлиши, унда нафақат 2020 йил, балки яқин беш йилликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бориш билан боғлиқ устувор вазифа ва мақсадлар белгилаб берилиши кутилмоқда. Ва албатта, анъанага мувофиқ, йилга ном берилади.

Бугун бутун халқимиз, жумладан, биз, депутатлар ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини, унда қандай вазифалар белгилаб берилишини кутяпмиз. Шу вазифалар асосида биз ҳам ўз дастур ва режаларимизни ишлаб чиқамиз.

### Маҳалла ислоҳотларига улкан суръат бағишлайди

**Дилшода МИРЗАЖОНОВА, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг ўринбосари:**

— Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномалари асосида барча соҳадаги ислоҳотлар янада жадаллашди, самарадорлик сезиларли даражада ошди. Буни ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, ўтган йили 3 минг 74 маҳаллада умуман жиноят содир этилмади, 2 минг 856 та маҳаллада эса жиноятчилик ҳолатлари камайишига эришилди. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Буларнинг замирида юртимиздаги мавжуд 9121 фуқаролар йиғинида “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз маҳалла” концепцияларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, “Жиноят ҳақиқати ва адолати” тизимини татбиқ қилиш, аҳоли, аввало, ёшларимиз онгида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган тушунчани чуқур сингдириш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг яқинда парламентга йўллайдиган навбатдаги Мурожаатномасини ҳам интиқлик билан кутяпмиз. Зеро, мазкур Мурожаатнома ҳам ислоҳотларга янги куч ва суръат бағишлаши аниқ.

### Давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий тизими

**Халилилло ТЎРАХЎЖАЕВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори:**

— Давлатимиз раҳбари Президент сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни илгари суриб, шу асосда давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит, замонавий ва ишончли тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратган эди.

Мазкур ғоянинг амалиётга изчил татбиқ этилишидан халқимиз жуда мамнун. Негаки, бугун ушбу янгича ёндашув орқали фуқароларга бир нуқтада юзлаб давлат хизматлари кўрсатиляпти. Бу эса одамларимизнинг оғирини енгил қилиш билан бирга, уларнинг вақтини, маблағини тежаб, турли оворагарчиликларга чек қўйиш, энг асосийси, коррупцияни бартараф этишда қўл келмоқда.

Албатта, ривожланган давлатлар тажрибалари асосида йўлга қўйилган бундай тизим ўзини тўла оқлаяпти, десак, муболаға бўлмайди. Бинобарин, ҳар йили Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларида ҳам айнан давлат хизматларини нафақат марказларда, балки қуйи бўғинларда ҳам сифатли йўлга қўйиш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб, бу борада ўз кўрсатма ва таклифларини бериб келади.

Амалиётга татбиқ этилган инновацион усуллар натижасида давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина ушбу йўналишдаги хизматлар 2019 йилда ундан олдинги йилдагига нисбатан қарийб уч баравар ортиб, 37 тадан 130 тага етди.

Яқинда Президентимиз парламентга навбатдаги Мурожаатномани йўллайди. Албатта, ушбу сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатни интизорлик билан кутяпмиз.

Нега деганда, унда юрт равнақи билан боғлиқ барча масалалар тилга олинади, жамиятимиздаги муаммолар, соҳадаги камчиликлар ҳам очиқ-ойдин айтилиб, уларни бартараф қилиш йўллари аниқ кўрсатиб берилади. Худди шундай, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам фикрлар айтилиши, шубҳасиз. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир кўрсатма ва таклифлари соҳамиз ривожида катта роль ўйнашига ишонамиз.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг навбатдаги Мурожаатномаси ҳам жамиятни янада янгилаши ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини бундан-да юксалтириши кутилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# СЕНАТОР — БУ, АВВАЛО, ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН ИНСОН БЎЛИШИ КЕРАК

*Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, нутқ сўзлади. Унда мамлакат ривожининг барча соҳаси, айниқса, парламентаризм тараққиётига оид кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди, янги ташаббуслар илгари сурилди.*

*Мухбиримиз бу борада юқори палата вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.*

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Президентимиз ўз нутқида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини Сенат назорат қилиши, бу борада мутасадди раҳбарларнинг ўз фаолиятига оид ҳисоботларини эшитиши ҳамда тегишли чораларни кўриб бориши хусусида тўхталиб ўтди. Бу масъулият, аввало, биз, сенаторларнинг зиммасида. Сўнгги уч йилда юртимизда маданият ва санъат тараққиёти, халқаро миқёсдаги ривожи учун катта ишлар қилинди. Ўзбекистон бой тарихи, маданияти ва санъати билан бутун дунёга қайтадан юз очди. Кўплаб халқаро фестиваллар ва анжуманлар марказига айланди.

Аммо соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Ташкил этилаётган тадбирларни сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш, юртимизнинг ижобий имижини ошириш ва айнан маданиятимиз, санъатимиз орқали ўсиб келаётган авлодни ҳақиқий ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш шулар жумласидандир. Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаб, маданият ва санъат тараққиётини юксак чўққиларга олиб чиқишда парламент назоратидан самарали фойдаланамиз.

**Шухрат ЧЎЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш масалалари ҳам давлатимиз раҳбарининг нутқида алоҳида тилга олинди. Бу бежиз эмас. Президентимиз биз, сенаторларга халқ вакиллари сифатида катта ишонч билдириб, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши шартлигини таъкидлади.

Бунинг учун сенаторлар ўз ҳудудларида кечаётган ижтимоий ҳаёт, аҳоли турмушида учраётган коррупция билан боғлиқ ҳолатлардан хабардор бўлиши, шунингдек, жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши хусусида сўз юритилди. Юқори палата вакиллари жамиятда қизғин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан, ялпи мажлисни кутиб ўтирмасдан, тезкор эшитувлар ташкил этиши, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши юзасидан ташаббус илгари сурилди.

Ўйлайманки, бу ишончни ҳар бир сенатор оқлайди.

**Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Сенатнинг биринчи мажлисида Юртбошимиз томонидан ҳақли савол ўртага ташланди: “Маълумки, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенатнинг вазифаси бўлиб, бу жараёнда уларнинг келгуси фаолияти учун белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин ундан кейин-чи? Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга зарурат борми? Албатта, бор.”

Бу билан давлатимиз раҳбари биз, сенаторлардан мамлакатимизнинг ташқи дунё билан муносабатларини янада яхшилаш, Сенатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини жорий этиш хусусида ташаббускорлик кўрсатишимизни таъкидлади. Бу ҳам парламент назоратининг муҳим институтларидан бири бўлиб, Президентимиз томонидан имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ва шартномаларнинг самарали ижросини таъминлашда ўта муҳимдир.

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

Хорижлик экспертлар:

# «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТИДАГИ НУТҚЛАРИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА»

←1

Т. Танака янги таркибдаги парламентга 48 нафар хотин-қиз сайланганини мамнуният билан қайд этган. Бу Ўзбекистоннинг гендер тенглиги тамойилига содиқлигини намоён этмоқда. Япон эксперти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига Ўзбекистонни янада равнақ топтириш ва фаровонлиги йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади.

**Япония тиббиёт соҳасида ташқи техник кўмак кўрсатиш ташкилоти (OMETA) раиси, “Сакура Глобал Холдингс” компанияси бош ижрочи директори К. Мацумото** Япония бизнес ҳамжамияти Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётганини таъкидлади. Бу қизиқиш, айниқса, Ўзбекистон — Япония муносабатларида янги даврни бошлаб берган 2019 йил декабрь ойидаги олий даражадаги ташрифдан сўнг янада ортди.

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис палаталари мажлисларида сўзлаган нутқларини чуқур ўрганиб чиққан япон тадбиркорининг фикрича, мазкур ҳужжатлар мамлакатнинг яқин келажакдаги тараққиёти йўналишларини белгилаб берган.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани эътиборни тортмоқда. К. Мацумото 2019 йил декабрь ойида эришилган келишувга биноан, Тошкент шаҳрида ўзбек — япон тиббий марказини ташкил этиш, чақалоқлар учун инкубатор ва буғ стерилизаторларини йиғиш ишларини ташкиллаштириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали мамлакатда ушбу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшишга тайёрлигини билдирди.

**Европа истиқболлари ва хавфсизлиги институти директори Эммануэль Дюпюи (Франция)** Ўзбекистон раҳбарининг ижроия ҳокимият билан мувозанатни яратиш мақсадида қонун чиқарувчи ҳокимият ролини янада кучайтириш бўйича ташаббуси мақтовга лойиқ, деб ҳисоблайди. Масалан, “Ҳукумат соати” амалиётга жорий этилди, унда парламент аъзолари вазирларга бевосита ёзма ёки оғзаки мурожаат қилмоқда. Бу, шубҳасиз, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг таъсири кучайиб боришига ёрдам беради.

“Менинг фикрим” веб-саҳифаси фаолиятини яна фаоллаштириш муҳим қадам бўлиб, бу оддий фуқароларга маъмурий бошқарув билан боғлиқ масалаларни тўғридан-тўғри ҳал қилиш имконини беради. Яна бир муҳим ташаббус бу — парламент аъзоларининг қонун чиқарувчи ва тартибга солувчи мақомидаги вазифаларини тўлиқ бажара олиши учун уларнинг малакасини оширишга кўмак кўрсатишдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси керакли тажриба ва имкониятларга эга”, дейди у.

Дюпюининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Танзила Норбаеванинг номзоди Олий Мажлис Сенати Раислигига тақдим этилгани ва сайлангани халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Умуман олганда, янги парламент таркибида хотин-қизларнинг кўпайгани ўрнак олишга арзийдиган ижобий воқеликдир.

“Яна бир муҳим жиҳат — Олий Мажлис Сенати ролини кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Демократия ривожи бир вақтнинг ўзидаги изчиллик, яъни юқоридан пастга (кучли давлат, мамлакатни модернизациялаш) ва пастдан юқорига (давлат даражасидаги қарорларни қабул қилишда минтақалар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг иштироки) бўлган ҳаракатларга бевосита боғлиқдир», деди Э. Дюпюи.

**Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази (ГСТМ) президенти, мамлакатнинг Босниядаги собиқ элчиси Х. Жаффри** халқаро кузатувчи сифатида Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайлови натижаларини юқори баҳолади. Шу муносабат билан у Ўзбекистонда янгиланган парламент ва ҳукуматни шакллантиришнинг якуний жараёнларини катта қизиқиш билан кузатмоқда. Бу жараёнлар республиканинг истиқболдаги ривожланишида янги тарихий босқич бўлади.

ГСТМ раҳбарининг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолияти, шунингдек, электорат билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасидаги ташаббуслари унинг янги форматдаги ислоҳотчи эканини яна бир карра намоён этмоқда.

Эксперт Ўзбекистон минтақавий иқтисодий сиёсат ва демократик ўзгаришлар марказига айланиб, жадал ривожланмоқда, деб ҳисоблайди. Мамлакатда давлат ҳаётининг барча жабҳаси, шу жумладан, парламентда асосий ҳуқуқий тамойиллар ва гендер тенглигини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, республиканинг ташқи дунё билан, хусусан, хорижий давлатлар парламентлари билан кўп қиррали алоқалари фаоллашмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида кўтарилган масалаларга тўхталиб, у Ўзбекистонда боғдорчилик ва чорвачиликни қишлоқ хўжалигининг локомотиви сифатида янада ривожлантириш бўйича қўйилаётган долзарб вазифаларга эътибор қаратди. “Дарҳақиқат, XXI асрда ҳар бир миллатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу маънода, давлат раҳбарининг кенг кўламли ислоҳотлари самарасида энг ривожланган агросаноат мажмуига эга Ўзбекистон минтақанинг озиқ-овқат марказига айланиши мумкин”, деб таъкидлади Жаффри.

Х. Жаффри сўнгги икки йилда Покистон Ўзбекистондан импорт қилаётган мева ва сабзавотлар ҳажми уч баравар ошганини (80 миллион доллардан кўпроқ) бунга мисол тариқасида келтирди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали натижалари ҳамда ушбу соҳада Покистон — Ўзбекистон ҳамкорлиги учун улкан салоҳият мавжудлигини намойиш этади.

Умуман олганда, ГСТМ раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон Президенти сўнгги йилларда мамлакат ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ қилиш бўйича улкан ишларни амалга оширди. Жамиятдаги сиёсий фаоллик кучайди, халқнинг парламент ва ҳукуматга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Бу эса республика барқарор ривожланишининг кафолати бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламент палаталари мажлисларидаги нутқлари “Diplomatic News Agency” ва “Islamabad Post” янгиликлар порталларида эълон қилинди.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЖАВОҲИРИ



←1

Мақолада Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари тавсифига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Хивадаги “Ичан қалъа” мажмуаси ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани баробарида, у дунёнинг барча нуқтасидан сайёҳларни ўзига жалб қилиб келаётгани қайд этилади. Бу ердаги мадраса, мақбара, минора ва бошқа кўҳна иншоотлар ўзбек тарихини ўзида мужассамлаштирган. Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий шаҳарлар харобалари, журналистнинг фикрича, сайёҳни бошқа даврга етакловчи порталдир. “CNN” айнан Нукус шаҳрида дунёга машҳур рассом Савицкий ташкил этган музейда авангард даврининг кўплаб суратлари сақланаётганини алоҳида таъкидлайди.

Пойтахт Тошкент ҳақида сўзлар экан, метрополитеннинг гўзаллигини алоҳида эътироф этади. Ҳар бир ер ости станцияси бетакрор нақшлар ва суратлар билан безатилган. “Бу ажойиботларни суратга олишга тақиқни бекор қилгани учун Ўзбекистон ҳукуматига раҳмат”, деб ёзади муаллиф.

Америка телеканали ўзбек ипагига алоҳида тўхталади. Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми бўлган мато дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинган. XIX асрга келиб, ипак ишлаб чиқариш анъаналари деярли йўқолган эди. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистонда анъанавий ипакчилик тикланиб, ЮНЕСКО номоддий мероси сифатида эътироф этилди. “CNN” репортажида ўзбек миллий таомларининг “кучи ва қудрати” ҳам қайд этилади. Таомлар шоҳи бўлмиш палов нафақат мамлакатда, балки чет давлатларда ҳам оммалашиб бораётир.

Хулоса ўрнида Мехер Мирза ўз ўқувчиларига “Албатта, Ўзбекистонга боринг”, дея мурожаат қилади. Саёҳат қилиш учун энг яхши вақт бу кўклам ёки куздир. “Уч ҳафта ичида ажойиб меъморий обидалар, мамлакатнинг тарихий-маданий мероси, урф-одатлари ва анъаналари билан танишиб чиқишингиз мумкин”, дейди муаллиф.

Айтиш жоизки, бу сўнгги ойларда “CNN”да Ўзбекистон тўғрисида ёритилган иккинчи материалдир. Бундан авалги чиқиш ўтган йилнинг декабрь ойида “Нима сабабдан Ўзбекистон 2020 йилда саёҳат қилиш учун энг яхши жой, деб айтилмоқда?” сарлавҳаси остида берилганди.

**Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги жамоаси директор ўринбосари Тўлқин Набиевич Набиевга отаси
**Наби ХУДОЙҚУЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6